ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 26 декабр, сешанба № 205 (2254)

Ушбу сонда:

2 СУД ҚАРОРИ ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ
3 ҚУРБОН ҲАЙИТИ ВА ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН ҚУТЛАЙМИЗ
4 ТАРОЗИ ЎЙИНИ

Касаба уюшмалари ва Омбудсман ҳамкорлиги

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ – ОЛИЙ МАҚСАД

***Республикамиз Президентининг «Мақсадимиз аниқ – Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик давлат қуриш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш – бош вазифамиз" деган сўзлари бугун ҳар биримизнинг онгу шууримизни эгаллаб, дилимизга яқин бўлиб қолди. Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда бу ўта муҳим вазифаларнинг устувор йўналишларини ўз ичига олган ташкилий-ҳуқуқий механизм ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Ушбу механизм инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва унинг ҳимояси ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, қонун яратувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларининг бу борадаги фаолиятлари самарадорлигига эришиш, инсон ҳуқуқлари бўйича қўшимча миллий муассасаларни барпо этиш имкониятларини кенгайтирди.***

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этиш самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколати берилган бўлса, Республика касаба уюшмалари ўз ваколатлари доирасида меҳнат қонунчилигининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириб келмоқдалар.

Мамлакатимизда демократик фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни жадал тус олаётган бир пайтда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, касаба уюшмаларининг олий мақсади — меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси Омбудсман фаолиятининг ҳам асосий йўналишларидан биридир. Мақсадларнинг бундай муштараклиги ҳар иккала ташкилот кучларини янада жипсроқ бирлаштиришни тақозо этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, касаба уюшмаларининг бевосита иштирокида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 11 та конвенцияси ратификация қилинди. Охирги икки йилда касаба уюшмалари томонидан «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига берилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар", "Ўзбекистон уй-жой кодекси", "Давлат хизматчилари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси, "Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"-ги, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар", "Ўзини-ўзи бошқариш маҳаллий органлари тўғрисида"ги каби 40 та қонун лойиҳаларига 200 дан зиёд таклифлар киритилди ва уларнинг аксарияти инобатга олинди.

Меҳнат қонунчилиги мониторингини амалга ошириб бориш масаласи касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам турли бўғин касаба уюшма ташкилотларининг мажлислари, раёсат ва пленум йиғилишларида меҳнат қонунчилигига амал қилиш масаласи мунтазам равишда муҳокама этилиб, тегишли вазирликлар, идоралар, корхона ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари ва Омбудсман ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Хоразм вилоятларидаги корхона, ташкилот, муассасаларда аёллар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялари борасида семинарлар ташкил этилди. Касаба уюшмалари тизимида фаолият кўрсатаётган ҳуқуқшунослар охирги икки йилда мингдан зиёд корхона, ташкилот ва муассасаларда бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ҳамда фуқароларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясига алоқадор бошқа қонунларнинг бажарилишини ўрганиб чиқдилар. Муҳими, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этишда уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Кези келганда, фуқароларнинг ариза ва мурожаатларини кўриб чиқиш Омбудсман ҳамда касаба уюшмалари фаолиятининг ажралмас бир бўлагига айланиб қолганлигини ҳам эътироф этиш лозим. Омбудсманнинг ҳар бир минтақавий вакили ва касаба уюшма ходимлари ушбу масалада жиддий муносабат намунасини намойиш этмоқдалар. Зеро, ҳар бир ариза ва мурожаат ортида инсон тақдири турибди. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар мисолида касаба уюшмалари томонидан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га фуқаролар Р. Ибрагимова, Ф. Жалменова, Б.Гурбич, А.Рустамов, М.Зоиров, Д.Анорқулов ва Ф.Акмурзаеваларнинг меҳнат низолари юзасидан тегишли жамоатчилик эксперт хулосаси тайёрлаб юборилганлигини айтиш мумкин. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказига фуқаро Г.Утешованинг аризаси юзасидан тегишли хулоса жўнатилган бўлса, З.Кудряшованинг аризаси бўйича Республика Транспорт прокуратураси ишида қатнашиб, муайян тўхтамга келинди.

(Давоми 2-бетда)

***Ислом КАРИМОВ:***

***Биз демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган эканмиз, демократиянинг асосий принципларини, яъни, жамиятимизда халқ иродасининг тўла ҳукм суриши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш масалалари бугун ҳаётимизда қай даражада ўз аксини топмоқда ва шу талабларга тўлиқ жавоб бериш учун биз яна нималарга эътибор қаратишимиз лозим, деган саволларни олдимизга қўйишимиз табиий.***

***Бу борада бошқа муҳим йўналиш ва вазифаларни инкор этмаган ҳолда, аввало, аҳолимизнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича қилаётган ишларимизнинг самарасини янада кучайтириш масаласи доимий кун тартибида туриши зарур.***




Ўзбекистонда хорижий ҳамкорлар билан ҳамжиҳатликда фаолият юритаётган қўшма корхоналар сафи йил сайин кенгаймоқда.

Яқинда Фарғона шаҳрида фойдаланишга топширилган «Silver Silk» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ҳам ана шундай иншоотлардан бири саналади.

Пилла хомашёсини қайта ишлашга ихтисослашган қўшма корхонада жаҳон андозаларига мос юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона маҳсулотлари Япония, Италия, Туркия, Польша, Хитой каби жаҳоннинг ўнлаб хорижий давлатларига экспорт қилинади.

Ҳозирда бу ерда 300 нафар маҳаллий ёшлар мунтазам иш билан таъминланган.

Улар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

**Суратда: ишчи Муқаддасхон Жамолиддинова.**

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**

*** Терроризмга барҳам берса бўлади**
*** Ўз жонига қасд қилиш гуноҳ**
*** Раҳбар бўлиш осонмас**
*** Ҳаёт саҳнага ўхшайди**

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Тараққиётга таҳдид ва раҳбар масъулияти» мавзусида тафаккур синови ўтказилди.***

Синовда давлат ва жамият қурилиши, бозор иқтисодиётининг асосий тамойиллари, давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар факультетлари тингловчилари ўзаро беллашдилар.

Ўткир зеҳнлилар ва топқирларнинг тортишувларини кўраркансиз, беихтиёр, тадбир ташкилотчиларига раҳмат айтасиз. Буни республикамиз аҳли кўрса арзийди, арзийди эмас, кўриши керак. Бу тадбирни томоша қилгач, кишиларимизнинг сиёсий онги янада ўсади, юртга меҳри ошади, қалб кўзи очилади.

Масала жиддий. Аммо мароқ билан томоша қиласиз. Саҳна кўринишларига гап йўқ. Тингловчилар эмас, саҳнада гўё буюк актёрлар...

Маҳоратни тасвирлашга қалам ожиз. Ва лекин асл мағзини сизга тортиқ қилишга ҳаракат қиламиз. Буёғи ўзингизга ҳавола, тафаккур қилинг, азиз газетхон.

**Бошловчи** (Шарқшунослик институти ўқитувчиси Жасурбек Зиёмуҳамедов): Бугун иккинчи тафаккур синовларини ўтказиш учун шу даргоҳга қадам ранжида қилдик. Анжуманни очишдан олдин Нозим Ҳикматнинг маълум ва машҳур шеърини айтиб ўтишимиз жоиз:

**Агар мен ёнмасам,**
**Агар сен ёнмасанг,**
**Агар биз ёнмасак,**
**Зулматни ким чекинтиради?!...**

Танбурнинг маҳзун, ўйчан садоси остида бир нола келади.

Саҳнада устоз ва шогирд пайдо бўлади.

**Шогирд:**

Устоз! Яшамоқдаман, йиллар ўтди,
Билолмадим ҳамон кимлигим.
Сўрадим, изладим, ўйладим, курашдим,
Неки бўлса барчаси бўлди,
Вале билолмадим ҳамон кимлигим.
Ўтдилар қанча авлиё-ю, қанча пайғамбарлар,
Қанча фозилу қанча донишлар,
Ўтди қанча-қанча султонлар,
Лек оддий бир нарсани билолмадилар.
Оддий бир саволга жавоб беролмадилар.
Мен кимман? Қаердан келдиму қайга борурман?
Мен нечук яралдим? Нечук кетурман?
Недир яшашдан мақсад?...

**Устоз:**

— Дейдилар, сенда жисм бор, сенда ақл бор, энг муҳими, сенда ўтмиш бор. Демакки, сенда барчаси бор. Кеча ва кундуз ўрган, нима борлигини англа, шунда эртанг ва келажагинг ҳосил бўлғай.

...Қадим замонларда бир аллома бўлиб, у ўз шогирдларига турли тилларда сабоқ берар экан. Кунлардан бирида илмга чанқоқ шогирд ўз устозидан сўрабди:

— Устоз, ижозатингиз билан бир савол сўрасам, майлими?

— Албатта, зеро айтадиларки, сўраган эмас, сўрамаган нодон.

— Устоз, инсон кун кечириб, давлатлар пайдо бўлибдики, унга тажовуз қилгувчи хавф-хатарлар бор. Ушбу хавф-хатарнинг олдини олиш учун не қилмоқ керак, бу масаланинг ечими недур?

— Саволингиз тўғри. Бу масаланинг ечими кўп нарсаларга боғлиқ бўлиб, аввало, ҳар бир инсон ўз замонаси, даври билан ҳамнафас бўлмоғи даркор.

— Устоз, давр билан ҳамнафас бўлмоқлик недур?

— Қандоқ бахтинг бор эканки, бугун бу даргоҳда сенга йўл кўрсатувчилар жамулжам бўлганлар.

Баҳс-мунозаралар бошланади. Орада қўшиқ янграб туради.

«Келинлар қўзғолони» кўринишида мамлакатлар пайдо бўлади. Фармонбиби, Соттиси ҳам бор. Ёшгинаси, гўзали ҳам бор.

Куй... Рақс... Чайковскийнинг «Оққуш рақси», Хоразмнинг «Норим-норим»и... Беқасам кийган ёш доирачилар доирасининг ўйноқи садолари...

**Савол:**

— Халқаро терроризмга бутунлай барҳам бериш фақат нуфузли давлатлар ўзаро келишиб олишигагина боғлиқ. Хўш, шундай экан, нима учун сусткашликка йўл қўйилмоқда?

**Жавоб:**

— Халқаро терроризмга бутунлай барҳам бериш фақатгина нуфузли давлатларга боғлиқ эмас. Бунинг учун бутун жаҳон биргаликда ҳаракат қилиши даркор. Устозларимиз таъкидлаганидек, терроризм билан шундай курашишимиз керакки, у йиртқич қуш қўнгани жой тополмасин.

**Мулоҳаза:**

— Киши қанча кўп билгани сари шунча кам билишини сезиб қолар экан. Илмнинг бизга ҳеч қачон ортиқчалик жойи йўқ. Балки, онда-сонда пулимиз ортиқчалик қилар... Хавф-хатар аниқ, таҳдидлар объектив дейишади. У ҳолда уларнинг олдини олишда инсоннинг ўрни ҳақида сўз юритиш мантиқсизлик эмасмикан?.

**Мулоҳаза:**

— Асло. Инсон бор эканки, ер юзида муаммо пайдо бўлади. Хавф-хатар туғилади. Инсон бор эканки, дунёни портлатади. Инсон бор эканки, бир-бирини ўлдиради. Шунинг учун хавф-хатарнинг биринчи омили қилиб инсонни кўрсатамиз. Қачонки инсонлар ўзаро бирлашиб, шуларнинг олдини олишда юқори даражада ҳаракат қилмас экан, хавф-хатар, таҳдидлар кўпаяверади.




**Савол:**

— Тоталитаризм ва мутлоқ эркинлик, буларнинг ҳар бири тараққиётга таҳдид. Буни қандай изоҳлаган бўлар эдингиз?

**Жавоб:**

— Тоталитаризм тузумининг энг катта таҳдиди ҳукмрон мафкурага асосланишидир. Бунда жамиятнинг ҳар битта соҳаси, жумладан, маънавият ва иқтисодиёт ҳам унга бўйсундирилади. Хилма-хилликка йўл берилмайди. Оқибатда қадриятларга завол етади.

Бир карикатурада қуён: ҳамма жойда эркинлик қураяпсанми, дея бўрига дўқ уриб, бўрининг эса дағ-дағ титраб тургани кўрсатилади. Мутлақ эркинлик дегани бу — аҳлоқ чегараларидан чиқиб кетиш эмас. Бу умуминсоний қадриятларга зид келадиган ғояларни тарқатиш дегани эмас. Мутлақ эркинлик дегани, бу — икки жинснинг никоҳи эмас ва ниҳоят мутлақ эркинлик гуманистик ғояларга зид келадиган ҳамма нарсани тарғиб қилиш дегани эмас.

**Мулоҳаза:**

— Мафкуравий таҳдид ҳар қачонгидан кучайди. Президентимиз иборалари билан айтганда, бугунги мафкуравий кураш майдони ядро полигонларидан бир неча баробар кучли ва оқибатлари ҳам шунга яраша. Ҳозир глобализация кетяпти. Айниқса, мафкура учун давлатлараро чегаралар йўқ. Яъни бутун дунё катта бир давлатга айланмоқда. Мафкура бамисоли бир вирус. Вируслар ҳозир йиллар эмас, сониялар ичида кўпаймоқда. Биз, хусусан, сиёсий партиялар орқали одамларни унга қарши «эмлашимиз» керак.

**Мулоҳаза:**

— Бугун қайси бир матбуотни қараманг, ҳозирги ёшларнинг юриш-туришию, кийим-кечагидан нолишади. Улар ундоғ кийинган, бундоғ кийинган. Аммо, бу ниманинг оқибати эканлигини таҳлил қилишмайди.

**Мулоҳаза:**

— Инсоннинг ўзида иммунитет бўлиши керак. Соғлом мафкурага эга бўлмоғи зарур. Нима билан бунга эришамиз? Миллий истиқлол ғоясини одамлар онгига сингдирсак, давлатимиз кучли бўлади.

**Савол:**

— Глобаллашув ва халқаро демократлашув: уларнинг қайси бири кўпроқ таҳдидлар келиб чиқишига сабаб бўлади?

**Жавоб:**

— Халқаро глобаллашув шундай жараёнки, бу давлатларни, жамиятларни бир-бирига бирлаштириб, ижобий натижаларга олиб келади. Демократиянинг бутун дунё бўйича унификация қилинган ягона қолипи йўқ. Демократия таҳдидлар келиб чиқишига кўпроқ сабаб бўлади. Ҳозирги пайтда баъзи давлатларга демократияни зўрлик билан экспорт қилиш зиддиятларни вужудга келтираяпти.

**Савол:**

— Замон ва макон нуқтаи назаридан таҳдид тушунчасини шарҳлаб беринг.

**Жавоб:**

— Таҳдид - бу инсон ва жамиятнинг ҳаётий фаолиятини қийинлаштирадиган, жамиятдаги тараққиётни, тинчлик ва барқарорликни заифлаштирадиган, мавжуд конституциявий тузумнинг асосларига зарба берадиган, салбий оқибатлар келтириб чиқарадиган сиёсий-ижтимоий ҳодиса. Ижтимоий характерига кўра, сиёсий-ижтимоий, мафкуравий, сиёсий характерга кўра эса, умумбашарий, минтақавий ва маҳаллий таҳдидлар бўлади. БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясида Президентимиз терроризм хавфи ҳақида бонг уриб айтган эди. Ўшанда етарли эътибор берилмади. Кейинги воқеалар у кишининг нақадар ҳақ эканлигини исботлаб берди.

**Савол:**

— Антропоген хавф-хатарлар деганда нимани тушунасиз? Улар нималарда кўринади?

**Жавоб:**

— Антропоген хавф-хатар инсон омили билан боғлиқ бўлиб, у инсоннинг фаолияти жараёнида вужудга келади. Иқлимлар исиб кетиши, чўллашиш, экология билан боғлиқ бошқа кўринишларда намоён бўлади.

**Савол:**

— Бугунги кунда маънавий хавфсизлигимизга қандай хавф-хатар ва таҳдидлар мавжуд?

**Жавоб:**

— Ҳозирги пайтда мустақил Ўзбекистон жаҳон аренасига чиқди. Собиқ иттифоқ тарқаб кетгач, мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлди ва бу бўшлиқни тўлдириш учун ҳар тарафдан мафкуравий хуружлар пайдо бўла бошлади. Маънавий хавфсизлик бу бизнинг мафкуравий соҳамиз.

## Давр, давлат, жамият, шахс

Ҳозир мафкуравий соҳада жуда катта ишлар амалга оширилаяпти. Миллий истиқлол мафкурасини ривожлантириш учун бизда катта имкониятлар мавжуд. Маънавий хавфсизлигимизни таъминлаш ўзимизга боғлиқ.

**Савол:**

— Сепаратизм, фанатизмнинг дунё барқарорлигига таҳдидини тушунтириб берсангиз?

**Жавоб:**

— Энг аввало, сепаратизм инглизча сўз бўлиб «separat» ажратиш, бўлиш деган маънони англатади. Унинг моҳияти нимадан иборат? Бу — бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил дегани. Бирлашиш мамлакатнинг кучайишига, бўлиб ташланиши эса унинг инқирозига олиб келади. Бу тили, урф-одати бир бўлган халқ ичида бўлиши мумкин эмас. Мақсадларидан келиб чиқиб, у турли хил кўринишларда намоён бўлади. Сепаратизмнинг олдини олсак, инсоният бир кучга айланади. Шунда барча таҳдидларга қарши кураша олади.

**Ҳайъат фикри:**

Дастлаб жавоб беришларда ноаниқликлар бўлди. Дейлик, глобаллашув ва халқаро демократлашувни фарқлашда бироз қийналдилар. Глобаллашувнинг фақатгина ижобий томонларини эмас, салбий томонларини ҳам гапириб ўтишса маъқул бўларди. Замонавий миссионерлик қанчалик хавф солиб тургани ва бунинг ҳам катта хавф-хатар эканлиги тўғри таъкидланди.

**Савол:**

— «Мен ўзимни-ўзим ўлдирсам савоб, хайрли иш бўлади» дейишади. Шундай вазиятга тайёрмисиз? Аниқроғи, Ислом экстремистлари одам ўзини-ўзи ўлдириш хайрли ишлар эканлигини ўзларича исботлаб талқин қилишади. Хуллас, Қуръон оятини талқин қилишда улар қандай услубий хатога йўл қўйишмоқда?

**Жавоб:**

— Уларнинг услубий хатолари шундаки, ўзини-ўзи ўлдириш хайрли иш ҳисобланмайди. Инсон ўз халқини ҳимоя қилиб жиҳодга чиққанда биров томонидан ўлдирилса, у шаҳид ҳисобланади.

**Жавоб:**

— Инсоннинг ҳеч қачон ўзининг ёки бировнинг жонига қасд қилиши оқланмаган. Бу ерда жиҳодда шаҳид бўлиш билан адаштирилади. Диний саводсизлик оқибатида, жиҳодда қурбон бўлган жаннатий бўлади, деган фикр унинг тўла-тўкис моҳиятини очмаган ҳолда одамга сингдирилади ва у жонига қасд қилади. Исломда уларга жаноза ўқилмайди. Тўнғиз холида кетади, дейилади.

**Мулоҳаза:**

— Ҳар хил, у исломий экстремист бўладими, христиан экстремисти бўладими фарқи йўқ. Улар ўзларининг ғоясини исботлаш учун муқаддас китоблардан бир жузъани олишади.

Қуръонда: Ўз номингиз ва нафсингиз билан «жиҳод қилинглар», дейилади. Услубий хатога йўл қўймаслик учун кулли олиш керак, яъни бутун Қуръонни бошидан охиригача ўқиб, унинг маъносидан келиб чиқиб, фикр олиш мумкин.

**Савол:**

— Демократия золимларни дунёга келтиради, деган экан бир файласуф. У ким ва нима демоқчи?

**Жавоб:**

— У Платон. «Энг яхши фалсафани амалиётга татбиқ этиш бу энг яхши демократия», — деган у. Давлат файласуф қарашлари билан бошқарилишини уқтирган. Бундай демократияда халққа оломон сифатида қаралган.

**Жавоб:**

— Бу фикрни XVIII асрда яшаб ўтган француз файласуфи Жан Жак Руссо айтган. Файласуф ҳақ. Айримлар ўзларини демократия тантаначилари деб эълон қилиб, инсон ҳуқуқлари, сўз эркинликларини байроқ қилиб, террорчиларга бошпана беришмоқда, уларни ҳимоя қилмоқда.

**Мулоҳаза:**

— Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» китобида ёзилишича, фуқаролари маданиятли бўлган шаҳар гуллаб-яшнайди. Бу демократиянинг биринчи асоси. Лекин маданиятсиз бўлса, улар шундай қонун чиқаришадики, маънавиятни йўқ қилади.

Ҳар қандай нарсанинг ижобий ва салбий оқибати бор. Сизнинг ҳуқуқларингиз қўшнингиз ҳуқуқларини камситишга олиб келса, эркинлигингиз қўшнингизнинг ҳуқуқи бошланган жойдан тугайди. Агар чегара белгиланмаса, унда бу жамият демократиядан анархияга қараб кетади. Платон айтган — демократиянинг энг юқори чўққиси анархиядир.

**Мулоҳаза:**

— Қадимда демократияда жамиятнинг ҳамма қатлами қатнашган, қуръа ташланган. Айтайлик, ҳар бир одамга мулк бериш масаласи муҳокама қилинган. Энг эътиборлиси, у чўлоқми, кўрми, жинними фарқи бўлмаган. Яъни, у фуқаро сифатида кўрилган.

(Давоми 2-бетда)




# ЧОРТОҚ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ МАЪМУРИЯТИ

*Барча юртдошларимизни ҳамда келажагимиз бунёдкорлари — талабаларни яқинлашиб келаётган муборак Қурбон ҳайити ва Янги йил байрами билан қизғин табриклайди. Уларга сиҳат-саломатлик, туганмас бахт тилайди!*



# «ЮНУСОБОД САВДО МАЖМУАСИ» МАЪМУРИЯТИ

**Мамлакатимиз фуқароларини яқинлашиб келаётган Қурбон ҳайити ҳамда Янги — 2007 йил байрамлари билан муборакбод этади.**




*Халқимизга тинч-тотувлик,
сиҳат-саломатлик, қут-барака тилаб,
харидорлар учун ўз хизматларини таклиф этади.
Мажмуа ҳудудида озиқ-овқат маҳсулотлари,
газланган ва газланмаган салқин ичимликлар,
хўжалик буюмлари ва «Янги йил» учун
совғалар сотуви йўлга қўйилган.
Харидорларни мажмуамиз ҳудудида кутиб қоламиз.*



Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ж.Обидова кўчаси 260-а уй.
Мурожаат учун телефонлар: 369-01-40, 369-01-41.






